I. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг январь-март ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 1209 тани ташкил қилди.

2020 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 58,5 фоизи (2019 йил январь-мартда 55,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1048,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,5 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан 108,1 фоизни ташкил қилди;

-2020,6 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди.

-761,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 16,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан 145,6 %ни ташкил қилди;

950,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 89,8 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан 116,1 фоизни ташкил қилди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 101,8 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 87,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 101,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 97,3 улуши) кўпайиши таъминланди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 94,8 фоизи ёки 2775,1 млрд. сўм (ўсиш 109,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 68,1 улуши ёки 1543,9 млрд. сўмни ташкил қилди;

-24,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 41,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2020 йил январь-март ойларида (жамига нисбатан фоизда)

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	*Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида*
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2020,6	96,8
Саноат	1048,4	98,4
Қурилиш	950,3	96,9
Чакана савдо	2775,1	94,8
Хизматлар	1543,9	68,1
Экспорт, *млн. АҚШ долл.*	24,7	41,2
Импорт, *млн. АҚШ долл.*	61,9	76,4

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:



(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

ЯҲМ | Саноат | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | Қурилиш | Савдо

2019 йил январь-март **2020 йил январь-март**

Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	*2019 йил*	*2020 йил*	*(+-)*
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	***бирлик***	**18051**	**21215**	**3164**
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	***бирлик***	**1802**	**1209**	**-593**
ЯҲМ	%	55,8	58,5	2,7
Саноат	%	15,1	34,5	19,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	99,2	99,3	0,1
Инвестиция	%	8,9	16,0	7,1
Қурилиш	%	81,1	89,8	8,7
Савдо	%	97,7	94,8	-2,9
Хизматлар	%	69,3	68,1	-1,2
Юк ташиш	%	79,3	82,3	3
Юк айланмаси	%	86,7	87,4	0,7
Йўловчи ташиш	%	93,9	94,6	0,7
Йўловчи айланмаси	%	96,0	97,3	1,3
Экспорт	%	39,2	41,2	2
Импорт	%	39,2	76,4	37,2

2020 йилнинг январь-март ойларида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши



Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши, фоизда

2020 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 58,5 фоизни ташкил қилди (2019 йилнинг январь - мартда 55,8 фоиз). ЯҲМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

2020 йил январь-март



Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши
(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қарши шаҳри (318,8 млрд. сўм), Нишон тумани (166,8 млрд. сўм), Китоб тумани (69,7 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз тумани (55,6 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Деҳқонобод тумани (12,6 млрд. сўм), Ғузор тумани (19,5 млрд. сўм) ва Муборак тумани (19,3 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнининг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Китоб ва Касби (100,0 фоиз), Яккабоғ (80,4 фоиз), Шаҳрисабз (72,1 фоиз), Чироқчи (63,6 фоиз), Қамаши (63,4 фоиз) туманлари ва Қарши шаҳар (60,7 фоиз) ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Ғузор (3,0 фоиз), Муборак (9,6 фоиз), Деҳқонобод (10,1 фоиз), Нишон (27,7 фоиз) ва Қарши (25,0 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

2020 йил январь-март ҳолатига жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз



Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Чироқчи (260,2 млрд. сўм), Китоб (193,8 млрд. сўм), Қарши ва Шаҳрисабз (172,3 млрд. сўм), Косон (162,4 млрд. сўм) ва Ғузор (154,3 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Шаҳрисабз (9,5 млрд. сўм) ва Қарши (37,9 млрд. сўм) шаҳарларида ва Миришкор (100,8 млрд. сўм) туманларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Қарши шаҳри (559,2 млрд. сўм), Чироқчи (290,1 млрд. сўм), Косон (283,9 млрд. сўм), Қамаши (209,5 млрд. сўм) ва Китоб (202,1 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Муборак (89,9 млрд. сўм), Шаҳрисабз (102,1 млрд. сўм) ва Нишон (108,1 млрд. сўм) туманларида чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Қарши шаҳри (479,9 млрд.сўм), Косон (127,3 млрд. сўм), Китоб (102,5 млрд.сўм), Қарши (97,7 млрд.сўм), Яккабоғ (93,8 млрд. сўм), Чироқчи (88,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати



2020 йил январь-мартда кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	*Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги*	*Инвестиция*	*Қурилиш*	*Чакана савдо*	*Хизматлар*
Қашқадарё вилояти	**35,4**	**99,3**	**16,0**	**89,8**	**94,8**	**68,1**
Қарши ш.	60,7	99,0	65,1	86,7	83,5	43,0
Шаҳрисабз ш.	50,7	99,5	97,6	76,4	98,1	84,9
туманлар:						
Ғузор	3,0	96,0	1,7	76,5	97,8	96,4
Деҳқонобод	10,1	99,6	33,4	100,0	99,2	91,5
Қамаши	63,4	99,6	99,9	99,5	98,8	97,9
Қарши	25,0	99,9	28,8	100,0	98,5	97,8
Косон	28,4	99,9	100,0	69,6	99,4	96,7
Китоб	100,0	99,0	99,1	99,0	98,9	96,5
Миришкор	59,4	99,0	96,6	100,0	99,1	92,6
Муборак	9,6	97,4	91,8	84,4	97,4	64,9
Нишон	27,7	99,9	3,0	100,0	98,7	94,1
Касби	100,0	99,9	99,9	98,7	98,6	93,8
Чироқчи	63,6	99,9	100,0	100,0	98,8	99,5
Шаҳрисабз	72,1	99,4	95,2	100,0	90,5	93,3
Яккабоғ	80,4	99,9	99,3	92,1	96,9	93,7

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Китоб ва Касби (100,0 фоиз), Яккабоғ (80,4 фоиз), Шаҳрисабз (72,1 фоиз), Чироқчи (63,6 фоиз) ва Қамаши (63,4 фоиз) туманларида кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Косон ва Чироқчи (100,0 фоиз), Касби ва Қамаши (99,9 фоиз), Яккабоғ (99,3) ва Китоб (99,1 фоиз) туманларида кузатилди.

Қурилиш соҳасида Деҳқонобод, Қарши, Миришкор, Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Қамаши (99,5 фоиз), Китоб (99,1 фоиз) туманларида кузатилди.

Чакана савдода Косон (99,4 фоиз), Деҳқонобод (99,2 фоиз), Миришкор (99,1 фоиз), Китоб (98,9 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Чироқчи (99,5 фоиз), Қамаши (97,9 фоиз), Қарши (97,8 фоиз) ва Косон (96,7 фоиз) туманларини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 1-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 120 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 43,9 фоиз иқтисодий вазиятни – қулай ва 45,1 фоиз эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 57,3 фоиз ва 35,8 фоиз, хизматлар соҳасида – 51,2 фоиз ва 42,1 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 50,7 фоиз ва 40,0 фоиз, саноатда – 50,3 фоиз ва 38,8 фоизни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 10,5 фоиз, қурилишда – 11,0 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 9,3 фоиз, хизматларда – 6,7 фоиз ва савдода – 6,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш
2020 йил I-чорак учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 78,7 фоиз, ўзгаришсиз 21,3 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 90,5 фоиз, ўзгаришсиз 8,8 фоизи, савдо – яхшиланиш 91,8 фоиз, ўзгаришсиз 7,5 фоиз, хизматларда яхшиланиш 85,8 фоиз, ўзгаришсиз 12,6 фоиз ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 91,5 фоиз, ўзгаришсиз 7,9 фоиз, ёмонлашиши 0,6 фоиз кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.